



## О'zbekiston respublikasi vazirlar mahnamasining Qarori

20 20 yil « 19 » март

№ 171

Toshkent sh.

### Ал-Хоразмий номидаги Халқаро физика ва математика мактаб-интернатини ташкил этиш тұғрисида

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни құллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рүёбга чиқариш, үлғайиб келаётган ёш авлодни илмга кенг жалб қилиш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниклаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласы:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

Хоразм вилояти, Шовот тумани, Комилжон Отаниёзов күчаси, 65-үй манзилида жойлашган айрим фанлар чукур ўрганиладиган 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати негизида Ал-Хоразмий номидаги Халқаро физика ва математика мактаб-интернатини (кейинги ўринларда – халқаро мактаб) ташкил этиш;

белгиланған тартибда тасдиқланадиган лойиха-смета хужжатлари асосида бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобига халқаро мактабни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва қайта жиһозлаш, шунингдек, мактаб учун 20 ўринли турар жой биносини куриш тұғрисидаги таклифларига розилик берилсін.

2. Күйидагилар халқаро мактабнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланған ҳолда аник ва табиий фанлар, шунингдек, чет тиллари чукур ўқитилишини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ва фаоллаштириш;

хар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олған ҳолда мустақил тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

маҳаллий ва хорижий мамлакатлардан юқори касб маҳоратига эга бўлган тажрибали ўқитувчиларни жалб қилиш;

иқтидор ва истеъоддни аниқлаш ҳамда камол топтириш бўйича ўқувчиларни республика ва халқаро фан олимпиадалари, танловлар ва бошқа тадбирларда қатнашишга тайёрлаш.

**3. Белгилаб қўйилсинки:**

2020-2021 ўкув йилидан бошлаб халқаро мактабнинг 7-синфига 60 нафар ўқувчи қабул қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига халқаро мактабнинг моддий-техника базасидан, педагог кадрларнинг салоҳияти ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда кейинги йилларда ўқувчиларни қабул қилиш параметрларига ўзгартириш киритиш хуқуқи берилади;

халқаро мактабда хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳисобланган, тегишли фанларни ўзлаштиришга иштиёқи бўлган иқтидорли ўқувчиларнинг шартнома асосида таълим олиши имконияти яратилади;

аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, чет тилларининг чукур ўқитилишини таъминлаш мақсадида илғор хорижий мамлакатларнинг ўкув дастурларини татбиқ этиш ва халқаро мактабда ўқувчиларга чукур билим бериш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва ўқитиш методикасини татбиқ этиш учун хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни ҳомийлик маблағлари ҳисобига ишга қабул қилишга руҳсат берилади;

2020-2021 ўкув йилидан бошлаб халқаро мактабнинг директори, директор ўринбосарлари ва ихтисослашган фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг “Айrim фанлар чукур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 7 августдаги 173-сон қарорида назарда тутилган устамалардан ташқари ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига 100 фоизгача қўшимча устама ҳақ тўланиши мумкин;

халқаро мактаб фаолиятини янада такомиллаштириш бюджетдан ташқари манбалар ва ҳомийлик (бегараз ёрдам) маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин;

халқаро мактабга қўшимча бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш Давлат бюджетидан молиялаштириш пасайишига олиб келмайди.

**4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:**

а) икки ой муддатда халқаро мактабнинг устави тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

**б) 2020-2021 ўкув йилидан бошлаб:**

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги билан биргалиқда халқаро мактабни ўкув-методик мажмуалар, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази билан биргалиқда халқаро мактабга иқтидорли ўқувчиларни сарапаб олиш мақсадида физика, математика ва чет тили фанларидан тест синовини ҳамда психологик-педагогик диагностикани ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргалиқда халқаро мактабга олий таълим муассасаларини тамомлаган иқтидорли педагог кадрлар жалб этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргалиқда халқаро мактабни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ётоқхона, ошхона, кутубхона, фаоллар зали, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан қайта жиҳозлаш, шунингдек, мактаб учун 20 ўринли турар жой биноси қуриш ишларини (кейинги ўринларда – халқаро мактабнинг қурилиш-тиклаш ишлари) 2021 йил 1 сентябрга қадар тугаллаш чораларини кўрсин.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги халқаро мактабнинг қурилиш-тиклаш ишлари тугаллангунга қадар мактаб ўқувчиларининг узлуксиз таълим олишларини таъминлаш мақсадида ўқиш учун барча қулайликларга эга бўлган бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳомийлар, шу жумладан, халқаро мактаб собиқ битирувчилари томонидан тақдим этиладиган ҳомийлик хайрияларини жамлаш учун ғазна ҳисобварағини очишга рухсат берилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу ғазна ҳисобварақда жамланган маблағларни ушбу қарорда белгиланган мақсадлар учун йўналтиrsин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бош лойиҳачи ташкилот билан биргалиқда халқаро мактабнинг қурилиш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилишини ва ваколатли экспертиза органларидан белгиланган тартибда экспертиза хулосалари олинишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги халқаро мактабда олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан белгиланган тартибда давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020-2021 ўкув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида халқаро мактабнинг жорий таъминоти учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов, Хоразм вилояти ҳокими Ф.У. Эрманов зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов